

Сүнгги пайтлари Чингизхон шахсига нисбатан бўлган кизикиш яна кучайди. Унинг хаёти ва ижтимоий фаолиятини акс эттирувчи илмий, тарихий ва бадиий асарлар ёзилиб, кинофильмлар ишланди. Катор илмий-амалий анжуманлар ўтказилиб, жуда кўп китоблар нашр этилди. Айрим мамлакатларда кафелар, ресторанлар, корхоналар, жамоатчилик марказлари унинг номи билан атала бошланди. Козогистон республикасида “Чингизхон” номли сигаретани ишлаб чикариш йўлга кўйилди. Ушбу сигаретанинг олд ва ён томонларига мана бундай сўзлар битилган: “Эти уникальные сигареты высшего качества, обладающие превосходным вкусом, сделаны из элитных сортов табака для свободных и гордых людей, живущих в Казахстане — потомков Великой империи Чингисхана, простиравшейся от Черного моря до Тихого океана”.

Тижоратни сиёсатга айлантирувчи бундай уринишлар халклар ўртасидаги дўстлик гояларига заар келтиради ва умуман яхшиликка олиб бормайди.

Мўгулистон республикаси пойтахти Улан Баторда умумий киймати ўн тўккиз миллион долларни ташкил этувчи хайкални тиклаш ишлари бошланиб кетган. Шу билан бирга, Мўгулистонда ва Марказий Осиёдаги айрим мамлакатларда Чингизхоннинг сунъий кабрлари тикланиб, хашаматли макбаралар курилмоқда. Макбаралар пештокига “Чингизхон — туркий халклар раҳнамоси” деган шиорлар ёзиб кўйилмоқда.

Тўгри, тарихий шахслар хаёти, уларнинг тарих сахнасида тутган ўрни, мавкеи хакида илмий маколалар битилиши, бадиий асарлар ёзилиши, фильмлар ишланиши исбот талаб этилмайдиган хакикат. Демокнимизки, ўтмиш хакикатларини бузиш, уни сохта, гайриилмий тушунчалар билан бўяб-бежаб талкин этиш тарихни сохталаштиришга олиб келади.

Бу ерда гап Чингизхон шахсини асоссиз равишда макташ, уни кўкларга кўтариш, идеаллаштириш хусусида бормоқда.

Тарихий шахслар хакида бир томонлама карашлар, ноилмий, сохта фикр юритишлар оддий хаваскор тарихчилар томонидан айтилса, бу хакда маҳсус сўз юритиб ўтиришнинг хожати бўлмас эди. Афсуски, Чингизхон шахсини хар кандай камчиликлардан холи саркарда, идеал давлат арбоби, туркий халкларнинг раҳнамоси, миллий-озодлик харакатларининг йўлбошчиси сифатида мактаётганлар орасида таникли давлат ва жамоат хамда фан арбобларини хам учратамиз.

“Киргиз давлатчилиги ва халк эпоси “Манас” китобида Чингизхоннинг ижтимоий-сиёсий фаолияти тўгрисида батафсил сўз юритилади. Муаллифнинг фикрича, “Чингизхон боскини” деган иборани ўйлаб ишлатиш керак, негаки, “унинг боскинчилиги хусусида тўкилган романтик карашлар шунчаки бир мифдир”.

Козок олими Калибек Дониёровнинг “Чингизхон тарихи” китобида куйидаги сатрлар билан танишамиз. “Чингизхон, — деб ёзади у, — келиб чикиши жихатидан наинки туркий, балки козок хамдир, тўгрироги, у козок давлатининг асосчисидир”.

Шунга ўхшаш гайриилмий фикрларни Керейхон Амонжўловнинг “Туркий халкларнинг тарихи” китобида хам учратиш мумкин.

Энди таникли козок ёзувчиси, “Юлдуз” журналининг бош мухаррири Мухтор Магауннинг “Чингизхоннинг шарофати” номли маколаси хусусида тўхталиб ўтайлик. Макола бошдан-оёқ Чингизхон шахсини улуглаш, макташ, кўкларга кўтариш руҳи билан сугорилган. “Козок халкининг асл халк сифатида сакланиб колиши, — деб ёзади муаллиф, — Чингизхоннинг саъй-харакатлари туфайли рўй берган. Агар Чингизхон

Муаллиф:

21.07.2014 07:13 -

күшинлари Хоразмшох күшинларини тор-мор килиб, мажаклаб ташламаганида, козок халки бир умр қуллик занжирида колиб кетар эди".

Ушбу сатрлар билан танишган ўкувчининг хайратдан ёка ушламаслиги иложсиз. Негаки, муаллиф Чингизхон навкарларининг Ўтрор сингари шахар ва кишлокларни ёндириб, теп-текис килгани, бегунох аёллар, болалар, карияларни кириб битирганини билиб-билмасликка олади.

Холбуки, Чингизхон етакчилигидаги шафкатсиз күшинлар Эрон ва Ўрта Осиёдаги мингийиллик мухташам, обод шахарларни вайрон килиб, култепаларга айлантирган. Амударёга тўғон куриб, гўзал Урганч шахрини сувга бостирган. Бир хафта давомида дарёда чакалоклар йиглаётган бешиклар, гўдак болалар, чоллар, кампирлар, мажрух касаллар окиб турган. Марв шахрини Чингизхон күшинлари ишгол килганларида жангда ўлдирилганларни ўн уч кун давомида йигиб олганлар.

Шу муносабат билан айтиб ўтиш лозимки, тарихий манбаларда Чингизхон халк озодлик харакатининг раҳнамоси эмаслиги, аксинча, у асоратга солган халклар унга карши миллий-озодлик харакатларини олиб борганликлари хам кайд этилган. Бу хакда Мирзо Улугбек, Шахобиддин Насавий, Ибн ал-Асир, Ибн Батута асарларида кенг ва муфассал маълумотлар берилган.

Академик А.Т.Фоменко ва тарихчи Л.Гумилев хам Чингизхоннинг ижобий ишлари хусусида фикр юрита туриб, унинг олий иркка мансублиги, буюк саркарда, багрикенг инсон эканлиги ва славянлар билан чатишиб, кон-кариндош бўлиб кетганлигини фахр билан тилга оладилар.

Савол тугилади: хўш, Чингизхоннинг ижобий ишлари нималардан иборат? Нега айрим муаллифлар нукул унинг камчиликларини хаспўшлаш билан шугулланадилар. Бу шунчаки шахсий карашми ёки тор миллий манфаатлар нуктаи назаридан айтилган енгил-елпи фикрларми?

Чингизхонни улугловчи муаллифлар уни "халк озодлик харакатининг раҳнамоси" сифатида хам таъриф килар эканлар, ўз фикрлари, карашларини "Чингизхоннинг хаёт йўли", "Олтин шажара", "Ясо" китоблари асосида исбот килишга уринадилар. Лекин уларнинг хеч бири бу китобларнинг муаллифлари кимлар бўлган, кимларнинг манфаатларига мослаб ёзилганлиги хакида чурк хам этмайдилар. Аксинча, Чингизхон ва унинг авлодлари Темур Малик, Жалолиддин, Махмуд Торобий етакчилигидаги миллий-озодлик харакатларини шафкатсизларча конга ботирган.

Чингизхон истилоси хакида ёзилган Рашидиддиннинг "Жоме ут-таворих", Ибн ал-Асирнинг "Тарих ал-комил", Мирзо Улугбекнинг "Тўрт улус тарихи", Абулгозиннинг "Шажараи турк", Евгений Кичановнинг "Жизнь Тимучжина, думающего покорить мир" асарларида ва бошка кўпгина китобларда мўгуллар боскини, вайрон бўлган сон-саноксиз эллар, юртлар хаёти хакконий тасвирланган.

Мирзо Улугбекнинг "Тўрт улус тарихи" асарида ёзилишича, "Рабиулаввал ойи охирлари сана 607, мувофики йилон йили ул уч нафар нахс юлдузли кофир ўттиз минг киёматасар лашкар билан кайси шахарга дучор бўлмасинлар, ўша шахар халкини каҳр-газаб билан даҳр тупрогига баробар килдилар. Жайхун дарёсидан ўтиб, Балхга якинлашганларидан кейин, Хурсоннинг баъзи вилоятларини, Ирок, Озарбайжон ва Ширвоннинг аксар шахарларини азоб-укубатларга гирифтор килдилар". "Улар хеч кимни аямас эдилар, — деб хикоя килади ўша конли вокеаларнинг гувохи бўлган араб сайёхи ва тарихчиси Ибн ал-Асир, — аёлларни, карияларни, болаларни катл этдилар. Оркада бирон шахарни колдирмай, ер билан текислаб ўтар эдилар".

Чингизхонни улуглашдан максад нима?

Муаллиф:

21.07.2014 07:13 -

Тарихий манбаларнинг гувохлик беришича, Чингизхон кўшинларининг хужуми туфайли ер юзидағи бир мингдан ортиқ шахар ахолиси кирилиб, ер билан яксон килинган, сугориш тармоклари издан чикарилган, маданият ўчоклари бутунлай йўқ килинган. Сўнгги пайтлари тарихчилар Чингизхон босканининг кенг илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган айрим кирраларини очишга муваффак бўлмокдалар.

Шу жихатдан Р.Рахмоналиевнинг “Турклар салтанати” деб номланган илмий-тадқикоти ибратлидир. Ушбу асарда кўпгина архив материаллари катори генерал-лейтенант, профессор М.И.Иваниннинг 1842 йили Россия армия бош штабида “О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и среднеазиатских народов при Чингизхане” деб номланган доклади тилга олинган. Маълумки, бу доклад матни узок йиллар мобайнида маҳфий саклаб келинган. Докладда тилга олинишича, Чингизхоннинг Ўтрорга юборган савдогарлари калъа хокими Кайрхон одамлари томонидан эмас, балки, атайлаб уруш чикириш учун мўгул айгокчилари томонидан ўлдирилганлиги бир канча далиллар асосида исбот этилган. Аммо бу хали узил-кесил тарихий хакикат дегани эмас, албатта. Хулоса сифатида шуни айтмокчимизки, тарих ўтмиш ва келажак кўзгуси, бинобарин, уни шахсий карашлар ёки тор миллий манфаатлар нуктаи назаридан талкин этиш тарих илмини сохталаштиришга олиб келади.

**Пирмат Шермуҳамедов,
Профессор**